

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

1 (4) 2024

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 1(4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори. сиёсий фанлар номзоди. профессор.

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гўлнора Абдукаҳхаровна –
т

Гурдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i> XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism).....	9-14
<i>Mirzayev Avazbek</i> ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUYJATLARIDA YORITILISHI	15-21
<i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i> ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР	22-28
<i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOVATI	29-34
<i>Джалолов Бахром Джамолович</i> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ	35-39
<i>Махматкулова Нозикой Чориёевна</i> О'ЗБЕКИСТОНДА XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI	40-45
<i>Ochilov Farhod</i> О'ЗБЕКИСТОНДА О'ZINI О'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING АНОЛИНИ ИЖТИМОИЙ НИМОYA QILISHDAGI FAOLIYATI	46-52
<i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР	53-58
<i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ	59-65
<i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR	66-71

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i> СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ	72-78
<i>Ro'zmetov Bahodir Shomurotovich</i> TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDAGI O'RNI	79-90
<i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i> MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING АНАМИYATI	91-99
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ	100-109

<i>Болтаев Нурали Шираматович</i> АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ	110-118
<i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ	119-124
<i>Жураева Гульзира</i> АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ	125-130
<i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i> BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI	131-136
<i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i> KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQRISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI	137-147
<i>Рахимбаев Акмал Азатбоевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ	148-157
<i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i> SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY SHARTI	158-170
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА	171-175
<i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна</i> ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ	176-181
<i>Nasimov Azizbek Azimovich</i> АХВОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОНИЯТИ	182-186
<i>Norkulov Olim Nasimovich</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA'SIRI	187-191
<i>Хасанов Бобуржон Хакимович</i> ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	192-197
<i>Quramboyev Alisher Maxsudovich</i> YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOY DAVLATCHILIK	198-204
<i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i> SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOY- FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari asosida).....	205-214

<i>Shukurov Orif Jumaboyevich</i> JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOYIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI	215-219
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Akhmedov Oybek Saporbayevich</i> THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN LINGUISTIC SURVEYS	220-227
<i>Ravshanova Gulrukhbegim Qaxramon qizi</i> ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ	228-232
<i>Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna</i> AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI	233-237
<i>Uliqova Mavludaxon</i> “QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO’LISHI	238-243
<i>Rahmonov Asror ibni Nusrat</i> HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI	244-252
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i> SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI	253-258
<i>Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna</i> INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOYIY-MADANIY FARQLAR	259-265
<i>Vokhidova Tamanno Saidjonovna</i> MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION	266-271
<i>Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna</i> INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARINING BADIY SEMANTIKASI	272-277
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Uzakova Go’zal Sharipovna</i> O’ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI	278-286
<i>Murzaev Shuxrat Shavkatovich</i> СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ	287-293
<i>Qosimov Botirjon Ma’rufjon o’g’li</i> SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL	294-301
<i>Islombek Abdikhakimov</i> QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES	302-309
<i>Hodjaeva Shirinxon Olimxon kizi</i> ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ	310-315
<i>Jiyenbayev Bahadir Ospanovich</i> EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA	316-322
<i>Aliшаев Собир Турсунбоевич</i> СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	323-329

Адембаев Аралбай Куралбаевич

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ
ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ 330-339

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников

ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-
ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ
ПЕРСПЕКТИВЫ 340-346

Хаййева Ирода Адамбаевна

TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI
TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI 347-351

Ayatov Raximberdi Ibragimovich

XORIJIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI
O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH 352-357

Saidova Dilobar Ikrambayevna

MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOY XULQ-ATVORNI
RIVOJLANTIRISH ZARURATI 358-361

Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING
KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH
METODIKASI 362-367

Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ 368-375

Janonova Sitora Berdinazarovna

ТА'ЛИМ ВА ТАРБИYA ТАРАҚҚИYOTИДА КОММУНИКАТИV КОМПЕТЕНСИYA
TUSHUNCHASINING O'RNI 376-381

Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи

ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО
СИФАТИДА 382-387

Bakhadirova Shoxina Nadir kizi

INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA
TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH 388-392

Qurbonova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloevna

OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI 393-397

Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION
METODLARI 398-403

Адембаев Аралбай Куралбаевич
Ассистент, Юриспруденция факультети
Қорақалпоқ давлат университети

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ
ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФойДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ
ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жавобгарлик масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Мазкур жиноят бланкет диспозицияли жиноят бўлганлиги сабабли, хорижий давлатлар қонунчилигида белгиланган йўл ҳаракати қоидалари, транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашга доир нормаларга, шунингдек, бундай қоида ва нормаларга риоя қилмаганлик учун жавобгарлик масалаларига эътибор қаратилган. Бу борада хорижий давлатлар қонунчилиги миллий жиноят қонунчилиги нормалари билан қиёсий таҳлил қилинган. Бунда Европа, Осиёнинг ва Американинг ривожланган давлатлари, шунингдек, қонунчилик тизими нисбатан яқин бўлган МДҲга аъз давлатлар қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқот натижасида хорижий давлатларда мавжуд ижобий тажрибаларни миллий қонунчиликка имплантация қилиш имкониятлари юзасидан хулоса, таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноят қонуни, хорижий тажриба, транспорт воситаси, йўл ҳаракати, транспорт воситасидан фойдаланиш, SMS хабар, "hands-free".

Adembaev Aralbay Kuralbaevich
Assistant, Faculty of jurisprudence
Karakalpak State University

THE ISSUES OF LIABILITY FOR VIOLATIONS OF THE SAFETY RULES OF THE MOVEMENT
OF VEHICLES OR THEIR USE IN THE CRIMINAL LAWS OF SOME FOREIGN COUNTRIES

Abstract. In this article, the criminal laws of some foreign countries analyze the issues of responsibility for violating the rules of safety for the movement of vehicles or their use. Since this crime is a blanket dispositional crime, attention is paid to traffic rules and norms for ensuring the safety of the use of vehicles, as well as issues of responsibility for non-observance of such rules and norms. In this regard, the legislation of foreign countries was compared with the norms of national criminal legislation. In this, the legislation of the developed countries of Europe, Asia, and America, as well as the legislation of the CIS countries, whose legal systems are relatively close, was studied. As a result of this study, conclusions, suggestions, and recommendations were put forward regarding the possibilities of implementing positive experiences in foreign countries into national legislation.

Key words: criminal law, foreign experience, vehicle, traffic, use of vehicle, SMS message, "hands-free".

Адембаев Аралбай Куралбаевич
Ассистент, Факультет юриспруденции
Каракалпакский государственный университет

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НАРУШЕНИЯ ПРАВИЛ БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ ИЛИ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УГОЛОВНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ

Аннотация. В данной статье в уголовном законодательстве некоторых зарубежных стран анализируются вопросы ответственности за нарушение правил безопасности движения транспортных средств или их использования. Поскольку данное преступление является бланкетным диспозитивным преступлением, внимание уделяется правилам дорожного движения, нормам обеспечения безопасности использования транспортных средств, а также вопросам ответственности за несоблюдение таких правил и норм. В связи с этим законодательство зарубежных стран было сопоставлено с нормами национального уголовного законодательства. При этом было изучено законодательство развитых стран Европы, Азии и Америки, а также законодательство стран СНГ, правовая система которых относительно близка. В результате данного исследования были выдвинуты выводы, предложения и рекомендации относительно возможностей имплементации положительного опыта зарубежных стран в национальное законодательство.

Ключевые слова: уголовное право, зарубежный опыт, транспортное средство, дорожное движение, использование транспортного средства, SMS-сообщение, «свободные руки».

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N45>

Кириш. Давлатнинг жиноят ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш учун бошқа мамлакатларнинг жиноят қонунчилигини, унинг хусусиятлари ва ижобий томонларини ўрганиш муҳимдир. Хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш муаммонинг моҳиятини янада аниқроқ тушуниш, жиноятлар ва бошқа қилмишларнинг жазога лойиқлигини тавсифлаш, миллий қонунларимизни такомиллаштириш имконини беради.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган қонун ҳужжатларини тўғри тушуниш учун хорижий мамлакатларда йўл ҳаракати ва унинг хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини билиш талаб этилади.

Транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш масалаларини тартибга солишга бағишланган Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунлар Австрия, Болгария, Буюк Британия, Дания, Украина, Эстонияда амал қилади. Испанияда шунга ўхшаш ҳужжат “Механик транспорт воситаларининг ҳаракати ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги асосий қонун” деб аталади. Болгария, Дания, Испания, Украина ва Финляндияда йўл ҳаракати тўғрисидаги қонун ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бирдан-бир ҳужжат ҳисобланади. Норвегияда йўлларда хавфсизликни таъминлаш масалалари “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонун билан бир қаторда, 1936 йил 16 июлда қабул қилинган “Муайян касблар эгаларининг ўзларини тийишлари шарт бўлган фаолиятлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Унда муайян касб эгалари, шу жумладан тижорат транспорт воситаларининг ҳайдовчилари учун йўлга чиқишдан олдин камида 8 соатгача бўлган муддат мобайнида алкоголь, бошқа маст қилувчи ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишдан ўзини тийиши талаби белгиланган.

Германияда “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонундан ташқари, “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисида”ги Қонун, Йўл ҳаракатида иштирок этишга рухсат бериш тўғрисидаги қоидалар кодекси амал қилади. Йўл қоидаларини бузганлик учун жарималар тизими кенг кўламли “Жарималар каталоги”га

бирлаштирилган. Унда йўлда ҳаракатланиш чоғида йўл қўйилиши мумкин бўлган қўп сонли қоидабузарликлар анча муфассал тартибга солинган.

Швецияда қуйидаги масалаларни тартибга солувчи алоҳида қонунлар амал қилади: Йўл ҳаракати қоидаларининг жиддий бузилиши (транспорт воситаларини маст ҳолда ёки ҳайдовчилик гувоҳномасиз бошқариш); ҳайдовчиларни тайёрлаш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш тартиби; автомобиль ҳайдовчиларини тайёрловчи мактабларга қўйиладиган асосий талаблар; автомобилни қўйиш қоидаларини бузганлик учун жарималар; транспорт воситаларини мажбурий эвакуация қилиш; хавфли юкларни ташиш ва ҳ.к.

Эстонияда ҳар бир турдаги транспорт (жамоат транспорти, юк транспорти ва ҳ.к.)га нисбатан алоҳида қонунлар, шунингдек йўллар тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Бундан ташқари, қуйидаги масалалар ҳам алоҳида қонунлар билан тартибга солинади: маъмурий ҳуқуқ қоидаларини бузиш; транспортда суғурта; йўлларнинг эгалари ёки бошқарувчилари ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўлларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун жавобгарлиги; транспорт воситаларини қўйиш жойлари [1].

Асосий қисим. Айрим мамлакатлар фақат йўл ҳаракати қоидаларини қабул қилиш билан чекланган. Одатда, бу қоидалар турли ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Йўл белгиларига оид масалалар, Механик транспорт воситалари тўғрисидаги қонуннинг қўлланилиши (Австрия), автомобилларни рўйхатга олиш қоидалари ва бу иш билан боғлиқ ҳисоб юритиш ҳужжатлари, техник кўриқдан ўтказиш, светофор орқали тартибга солиш, йўл қурилиши, йўл белгилари (Болгария), механик транспорт воситаларини рўйхатга олиш, уларни жиҳозлаш, ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш, йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги қоидалар (Дания) алоҳида тартибга солинади.

Шу ўринда Франциянинг йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий тизими алоҳида диққатга сазовордир. Бу мамлакатда Йўл ҳаракати қоидалари (5 жилддан иборат), Автомобиль йўлларини сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш қоидалари, йўл белгилари ва сигналлари тўғрисида идоровий йўриқнома ва Жиноят кодекси асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Франция Йўл ҳаракати қоидаларининг қонун чиқарувчи ва тартибга солувчи қисмларга ажратилган беш жилдида йўл ҳаракати билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солувчи қоидалар мажмуи мустақкамланган.

Чет мамлакатлар қонунчилигида асосий урғу йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларнинг моддий жавобгарлигига берилади. Бунда йирик суммаларга жарималар билан бир қаторда, автотранспорт воситаларини мусодара қилиш, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этиш каби чоралар ҳам қўлланилади.

Сўнгги йилларда айрим мамлакатлар қонунчилигида йўл ҳаракати қоидаларини бузишнинг янги турлари пайдо бўлди. Улар, энг аввало, транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон орқали сўзлашувлар билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида транспорт воситасини бошқариш пайтида “hands-free” гарнитурисиз мобил телефон орқали сўзлашиш тақиқланган. АҚШ ва Канаданинг айрим штатлари, Қувайт, Европада Швеция ҳозирча бундан мустасно. Австралия, Швейцария каби мамлакатларда транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон орқали сўзлашиш бутунлай тақиқланган. Австралиянинг айрим штатларида, Бельгия,

Кения, Малайзия ва Сингапур каби мамлакатларда бу ҳуқуқбузарлик учун йирик суммадаги жарималар билан бир қаторда қамоқ жазоси ҳам назарда тутилган. Испанияда транспорт воситасини бошқариш пайтида мобил телефон алоқаси орқали сўзлашиш учун “hands-free” гарнитуридан фойдаланиш ҳам тақиқланган. Фақат овоз чиқарадиган қурилмалардан фойдаланишга йўл қўйилади. Тақиқлар автомобилни бошқариш пайтида SMS хабарлар юборишга ҳам татбиқ этилади. Мазкур ҳаракатлар “hands-free” гарнитурисиз уяли телефон орқали сўзлашишга тенглаштирилади. Болгарияда муниципал транспортда ҳайдовчилар билан бир қаторда, йўловчилар ҳам мобил телефон орқали сўзлашишлари тақиқланган. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, Германия ва Чехияда ишлаб чиқарилган автобуслар ва трамвайлар электрон қурилмасининг иши уяли телефонлардан тарқалувчи радиотўлқинлар таъсирида издан чиқиши, бу эса йўл-транспорт ҳодисасига олиб келиши мумкин.

Австралия, Беларус, Бразилия, Германия, Кипр, АҚШда рулда чекишни тақиқловчи қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда. Тўғри, Австралияда бу тақиқ фақат автомобиль салонида 12 ёшга тўлмаган бола кетаётган ҳоллар учун белгиланган. Буюк Британияда автомобилни бошқариш пайтида чекиш учун 30 фунт миқдорида жарима солинади. Бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳар бир мамлакатга ўз жиноят қонунчилигини янада самарали ишлаб чиқиш имконини беради. Француз ҳуқуқшуноси Марк Аксел бу хусусда сўз юритар экан, чет мамлакатлар ҳуқуқини ўрганиш “ҳуқуқшуносга ўз мамлакати ҳуқуқини янада яхшироқ билиш учун имконият яратади, зеро мазкур ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари уни бошқа тизимлар билан таққослаганда янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Таққослаш ҳуқуқшунос олимни ўз ҳуқуқини жуда яхши билганда ҳам олиш мумкин бўлмаган далиллар ва ғоялар билан қуроллантиришга қодир” [2, 38-б.], деб, тўғри таъкидлайди.

Н.Е.Крылова, А.В.Серебренникова фикрига кўра, ҳуқуқий тизимни ҳам кенг, ҳам тор маънода ўрганиш ўринли бўлади. Ҳуқуқий тизим (тор маънода) – бу миллий ҳуқуқнинг муайян структурага эга бўлган, ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ тармоқларини ўз ичига олган тизими. Кенг маънодаги ҳуқуқ тизими ҳуқуқий ҳодисаларнинг уч гуруҳини: 1) юридик нормалар, институтлар, ҳуқуқий тартибга солиш тармоқ (соҳа)лари (норматив томон); 2) ҳуқуқий муассасалар мажмуи (ташкилий томон); 3) мазкур жамиятга хос бўлган ҳуқуқий қарашлар, тасаввурлар, ғоялар мажмуи (ҳуқуқий маданият)ни ўз ичига олади [3, 26-27-б.].

Ҳуқуқий оилалар типологияси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, фанда уларни таснифлашга нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Ҳар бир ҳуқуқий оиланинг хусусияти шундаки, унга турли (юридик, тарихий, диний ва ҳ.к.) манбаларнинг муайян мажмуи хосдир [4, 963-б.].

Умумий ҳуқуқ (англосаксон ҳуқуқи) тизими шу билан тавсифланадики, бу ерда суд прецеденти ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинади. Тор маънода суд прецедентлари тўплами сифатидаги умумий ҳуқуқ статут ҳуқуқига қарши туради [5, 24-25-б.].

Роман-герман ҳуқуқий оиласида ёзилган ҳуқуқ, яъни давлатнинг қонун ҳужжатларида қайд этилган юридик нормалар асосий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Бу ерда судья бошқа суд илгари қабул қилган қарорга риоя қилишга мажбур эмас, олий суд ва (ёки) конституциявий суд амалиёти бундан мустасно. Бироқ бу ҳолда ҳам олий суд

инстанциялари ўз қарорлари билан янги нормалар яратишга ҳақли эмаслар, улар фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд нормаларни шарҳлашлари мумкин [6, 191-б.].

Йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи нормалар барча мамлакатларда белгиланган. Айни пайтда тарихий ривожланиш хусусиятларига кўра ҳар бир мамлакатда қонун чиқарувчи мазкур ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликни ҳуқуқий тартибга солишга нисбатан турлича ёндашади.

АҚШ жиноят қонунчилигини ўрганиш бу ерда йўл ҳаракати соҳасида қуйидаги жиноятлар айниқса кўп учрашини кўрсатади: транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш; транспорт воситасини ғайриқонуний эгаллаб олиш; автомобиль жиноятни содир этиш предмети ёки воситаси сифатида амал қилувчи бошқа автотранспорт жиноятлари [7, 18-25-б.].

Транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш жиноят сифатида бир қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, АҚШда транспорт воситасини маст ҳолда бошқаришни ҳуқуқий баҳолаш истеъмол қилинган спиртли ичимлик миқдори нуқтаи назаридан ўзига хосдир. Бир томондан, Қўшма Штатларнинг йўлларида спиртли ичимликлар ичиш тақиқланмайди: энг муҳими, ҳайдовчи ўз организмни бошқара олса ва истеъмол қилинган ичимлик миқдори интоксикациянинг йўл қўйилган меъеридан ортиқ бўлмаса, бас. Масалан, айрим штатларда мазкур меъёр ҳар мм га тахминан 1,0 мг ни ташкил қилади (яъни бир неча бутилка пиво ёки 100 г дан сал кўпроқ ароқ ичиш мумкин). Бошқа томондан, транспорт воситасини ўта маст ҳолда бошқарган ҳайдовчилар қаттиқ жазога тортиладилар. Иккинчидан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш ҳар доим айрим штатлар даражасида ҳам, федерал даражада ҳам жиноят деб ҳисобланади.

Буюк Британияда транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун беш минг фунт стерлинг (7668,5 АҚШ доллари)гача жарима назарда тутилган. Амалда судлар одатда 250–450 фунт стерлинг миқдорида жарима тайинлаш билан кифояландилар. Бундан ташқари, мазкур жиноят учун 12 ой ва ундан ортиқ муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш, биринчи ҳуқуқбузарлик учун 6 ойгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Жазо ҳайдовчининг қонида аниқланган алкоголь миқдорига қараб кучайиб боради. Айни шу жиноят кейинги 10 йил мобайнида такроран содир этилган тақдирда ҳайдовчи автомобилни бошқариш ҳуқуқидан уч йилга маҳрум этилади. Йўл-транспорт ҳодисасида жабрланувчининг баданига шикаст етказиш ёки унинг ўлимига сабаб бўлиш шахсга қарши жиноят деб эътироф этилади [8, 45-46-б.].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги роман-герман ҳуқуқий оиласига киради. Шу маънода Германия қонунчилиги диққатга сазовордир. Ҳозирги вақтда Германияда 1871 йил 15 майда қабул қилинган Жиноят кодекси амал қилади. Ушбу ҳужжатда таҳлил қилинаётган жиноят таркиблари “Жамоат учун хавфли жиноий қилмишлар” деб номланган 28-бўлимда жойлаштирилган. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш” деб номланган норма (ГФР ЖК 315с-параграфи)да айнан қайси ҳаракатлар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш деб ҳисобланиши тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган. ГФР ЖК 316-параграфида транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бу ерда йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз учун жавобгарлик масалаларини тартибга солишга бағишланган жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг яна бир хусусияти шундаки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигидан фарқли равишда, ГФР ЖКда қонун чиқарувчи транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга эътиборни қаратмаган.

ГФР жиноят қонунчилигида йўл ҳаракати соҳасида аҳоли хавфсизлигига тажовуз қилганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. У ГФР ЖКнинг икки бўлими – еттинчи ва йигирма саккизинчи бўлимларида белгиланган [9, 177-178-б.].

Франция ЖКда транспорт жиноятлари учун жавобгарлик тўғрисидаги алоҳида норма мавжуд эмас. Кўпгина мутахассислар қайд этишларича, мазкур ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бу ерда махсус қонунлар ёрдамида амалга оширилади [10, 34-б.]. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, йўл ҳаракати қоидалари дунёда илк бор 1893 йил 16 августда Францияда қабул қилинган. Бунга Париж шаҳрининг полиция префекти кўча ҳаракати тартибини ўрнатишга қарор қилгани сабаб бўлган. Ўша пайт мамлакатда мавжуд автомобиллар сони 600 тага етган ва уларнинг деярли барчаси Франция пойтахтида бўлган. Бу ерда механик экипажларнинг шаҳар бўйлаб қатнови қоидаларининг рўйхати белгиланган. Йўлакларда, хиёбонларда ва фақат пиёдалар ҳаракати учун мўлжалланган жойларда юриш ва тўхташ тақиқланган. Шаҳар бўйлаб соатига 12 км.дан ортиқ тезликда, шаҳардан ташқарида эса – соатига 20 км.дан ортиқ тезликда ҳаракатланиш ман этилган.

Бундан ташқари, ҳозирда йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда жавобгарлик суғурталаш доирасида ҳал қилинади. Айни пайтда, сўнгги йилларда бу борада аҳвол ёмонлашганидан дарак берувчи статистик маълумотлар француз қонун чиқарувчисини айбдорларга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга мажбур этди. Тегишли манбаларда ёритилган маълумотларга қараганда, йўл-транспорт ҳодисаси учун Францияда қамоқ жазоси ҳам назарда тутилган. Франция йўлларида авария содир этганлик учун жазонинг юқори чегараси эндиликда 10 йилгача қамоқ ва 150 000 евро миқдорида жарима тарзида белгиланган [11].

Швейцария ЖКда жамоат транспортига қарши жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга бағишланган алоҳида бўлим мавжуд [12, 80-81-б.]. Бироқ йўл ҳаракати хавфсизлиги муаммосига фақат жамоат транспорти фаолиятини издан чиқарганлик учун жавобгарлик назарда тутилган 237-модда бевосита дахлдор. Ушбу нормага мувофиқ, жамоат транспортининг фаолиятига қасддан тўсқинлик қилган, унинг фаолиятини издан чиқарган ва шу тариқа кишилар ҳаёти ва соғлиғини била туриб хавф остида қолдирган шахслар турма қамоғи билан жазоланадилар. Агар шахс мазкур қилмишлар билан кўп сонли кишилар ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирган бўлса, унга ўн йилгача муддатга каторга тарзидаги қамоқ жазоси тайинланиши мумкин. Шахс бундай қилмишни эҳтиётсизлик туфайли содир этган бўлса, унга турма қамоғи ёки жарима тайинланади.

Кўриб чиқиладиган ижтимоий хавфли қилмишларни тартибга солишга нисбатан Испания қонун чиқарувчи органнинг ёндашуви алоҳида диққатга сазовордир. Испанияда амалда бўлган ЖК 1995 йилда қабул қилинган

[13, 145-б.]. Испанияда йўл ҳаракати хавфсизлиги бир нечта махсус нормалар билан муҳофаза қилинади. Испания ЖКнинг 379-моддасига мувофиқ, автомобиль ёки

мототциклни маст ҳолда бошқарган шахс саккиз дам олиш кунидан ўн икки дам олиш кунигача қамоқ ёки ойлик иш ҳақининг уч бараваридан саккиз бараваригача миқдорда жарима ва барча ҳолларда автомобиль ёки мототциклни бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан тўрт йилгача маҳрум этиш билан жазоланади. Испания ЖКнинг 385-моддасига мувофиқ йўл ҳаракати қоидаларини амалда бузувчи жиноят қуроли, деб топилган автомобиль ёки мототцикл мусодара қилиниши мумкин.

Транспорт соҳасида ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлган жиноятнинг шунга ўхшаш формал таркиби Дания ЖКда ҳам мавжуд [14, 156-157-б.]. Мазкур Кодекснинг 184-моддасига мувофиқ, темир йўллар, кемалар, автотранспорт воситалари ёки шунга ўхшаш транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигига зарар етказган ёки давлат йўлларида транспорт хавфсизлигига дахл этган шахс олти ойгача турма қамоғи ёки жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларда – оддий қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Амалда жавобгарлик инсон ҳаёти ва соғлиғига эмас, балки хавфсизликнинг ўзига зарар етказганлик учун келиб чиқади. Муайян шахсга зарар етказганлик қилмишни бошқа жиноятларга қўшиб квалификация қилишни назарда тутати.

Голландия ЖКда ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз учун жавобгарлик назарда тутилган алоҳида норма мавжуд [15, 300-313-б.]. Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг 163-моддасига мувофиқ, жамоат транспорти ёки ҳаво транспорти учун мўлжалланган иншоотни бепарволик ёки эҳтиётсизлик орқасида бузган, яроқсиз ҳолатга келтирган ёки унга шикаст етказган шахс қуйидаги жазоларга тортилиши мумкин: 1) агар мазкур ҳаракатлар ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солган бўлса, уч ойгача турма қамоғи ёки қамоқ ёки тўртинчи тоифа жарима; 2) агар мазкур ҳаракатлар одам ўлишига олиб келган бўлса, бир йилгача турма қамоғи ёки қамоқ ёки тўртинчи тоифа жарима. Бу ерда ҳам биз объектив томон тузилишига кўра формал-моддий таркибга, бизнинг қонунчилигимиз тили билан айтганда эса – маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг бирикмасига дуч келишимиз мумкин.

Полша Республикаси ЖКда ҳаракат хавфсизлигига қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи алоҳида боб киритилган (21-боб) [16]. Биз кўриб чиқаётган муаммога Кодекснинг 173–180-моддалари бағишланган. Полша жиноят қонунчилиги бу борада бир қанча ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Биринчидан, жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш механизмида умумий ва махсус нормалар ажратилади, уларда эса, ўз навбатида, жавобгарликни дифференциация қилишнинг объектив ва субъектив мезонлари белгиланади. Бу ерда жиноятларнинг формал ва моддий таркибларини тавсифловчи объектив томон тузилмаси; қилмишнинг хавфлилик даражасига урғу берувчи айб шакли; етказилган зарарнинг оғирлик даражаси (турли оғирликда баданга шикаст етказиш); жиноят субъектининг ҳолати ва ҳулқ-атвори (мастлик, ҳодиса юз берган жойни ташлаб кетиш ва ҳ.к.) назарда тутилади. Иккинчидан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги нисбатан муайян санкциялар айниқса кўп бўлиб, улар айрим ҳолларда суд ўз ихтиёрига қараб иш кўриши учун кенг имконият яратади (масалан, икки йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш, олти ойдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва ҳ.к.).

Украина ЖК 286-моддаси “Транспорт воситаларини бошқарувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши” [17] деб аталади. Мазкур модданинг биринчи қисмига мувофиқ транспорт

воситаларини бошқарувчи шахслар томонидан йўл ҳаракати ёки транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши жабрланувчининг баданига ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, 2-қисмида жабрланувчининг ўлимига ёки баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар бир неча шахсларнинг ўлимига сабаб бўлса, айбдор жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Ушбу моддага кўра транспорт воситалари деганда, барча турдаги автомобиллар, тракторлар ва бошқа ўзиюрар машиналар, трамвайлар ва троллейбуслар, шунингдек мототцикллар ва бошқа механик транспорт воситалари тушунилади.

МДХ мамлакатларининг жиноят қонунчилиги миллий жиноят қонунчилигига кўп жиҳатдан ўхшаш, чунки 1996 йилги МДХга аъзо-давлатларнинг Модель Жиноят кодекси қоидаларига асосланади[18, 90-б.]. Шу маънода Беларус Жиноят кодекси алоҳида диққатга сазовордир.

Беларус Республикаси ЖКда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун 317-моддада [17] жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра жиноий жавобгарлик баданга ўртача енгил шикаст етказилганида ҳам келиб чиқади. Шу модданинг 2-қисмида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига ёки баданга оғир шикаст етказилиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Арманистон Республикасида ЖК 242-моддаси матни Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси билан мос келади. Транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Арманистон Республикаси ЖКнинг 63-моддаси). Шу билан бир қаторда, қонун чиқарувчи томонидан транспорт воситасини маст ҳолдаги одамга ёки ўн олти ёшга тўлмаган шахсга беришни алоҳида жиноий қилмиш сифатида ажратилган (Арманистон Республикаси ЖК 243-моддаси). Мазкур модда билан қилмишни квалификация қилиш учун унинг натижасида Арманистон Республикаси ЖК 241 ва 242-моддаларида назарда тутилган оқибатлар юз берган бўлиши талаб этилади.

Арманистон ЖКда қонун чиқарувчиси йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни ташлаб кетиш тарзидаги қилмиш декриминализация қилинмаган, яъни ЖКда мазкур жиноят таркиби қолдирилган ва у қўйидаги кўринишга эга: “Транспорт воситасини бошқараётган ва йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган шахснинг йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни ташлаб кетиши, мазкур Кодекснинг 242-моддасида назарда тутилган оқибатлар юз берган ҳолда, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб ёки маҳрум этмасдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Россия Федерацияси ЖК [19] 264-моддасида автомобиль, трамвай ёки бошқа механик транспорт воситасини бошқараётган шахснинг йўл ҳаракати ёки транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиши эҳтиётсизлик орқасида одамнинг соғлиғига оғир зарар етишига сабаб бўлса, жавобгарлик белгиланган.

Мазкур қилмишни маст ҳолдаги одам томонидан содир этилиши ва эҳтиётсизлик орқасида одамнинг соғлиғига оғир зарар етказилиши, эҳтиётсизлик орқасида одам

ўлишига ёхуд икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўлиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

Худди шундай қилмиш учун жавобгарлик Грузия ЖКда ҳам назарда тутилган [20]. Мазкур кодекснинг 276-моддасига мувофиқ, автомобиль, трамвай, троллейбус, трактор ёки бошқа механик транспорт воситасини бошқараётган шахснинг йўл ҳаракати ёки транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузиши натижасида одамнинг соғлиғига ўртача оғир ёки оғир зарар етиши учун жавобгарлик назарда тутилган.

Озарбайжон Республикаси ЖКда [21] йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги муносабатлар “Транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган 29-боб нормалари билан муҳофаза қилинади. Тегишли нормалар мазмуни Россия Федерацияси ЖК нормаларига ўхшаш. Озарбайжон Республикаси ЖКнинг 263-моддаси РФ ЖКнинг 264-моддаси таҳририга мос келади, бироқ унда соғлиққа ўртача оғир шикаст етказганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Модда санкцияси нисбатан оғирроқ. Шу билан бир қаторда, йўл-транспорт ҳодисаси юз бергандан сўнг хавф остида қолдириш учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Қирғизистон Республикаси ЖКда [22] кўриб чиқиляётган жиноят таркибини тартибга солувчи нормалар “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган 27-бобга киритилган. Тегишли моддада Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасидагига ўхшаш ғайриқонуний ҳаракатлар кўрсатилган, бироқ уларни содир этганлик учун нисбатан оғирроқ санкциялар назарда тутилган. Хусусан, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш одамлар ўлимига сабаб бўлса, ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин.

Молдова Республикасининг 2002 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига [23] шунга ўхшаш норма ўзига хос кўринишга эга. Унда соғлиққа ўртача оғир зарар етказиш ёки кўп миқдорда мулкӣ зиён етказиш (264-м. 1-қ.), соғлиққа оғир зарар етказиш ёки одам ўлишига сабаб бўлиш (264-м. 3-қ.) тарзидаги оқибатлар кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда, қонун чиқарувчи қилмишнинг алоҳида квалификациявий таркибларини ҳам ажратган ва уларда ушбу қилмишни маст ҳолда содир этган шахсларга оғирроқ жазолар назарда тутилган.

Хулоса. Демак, хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунлари таҳлили шуни кўрсатадики, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда аксарият хорижий мамлакатларда мамлакатимиз жиноят қонунчилигидан фарқли равишда инсоннинг соғлиғига шикаст етказиш меъзони билан бир қаторда мулкӣ зарар етказиш меъзони ҳам инобатга олинган. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам таҳлил қилинаётган жиноят учун жавобгарлик масаласини кўриб чиқишда шахснинг мулкига етказилган зиённи ҳам жиноят-ҳуқуқӣ муҳофаза доирасига киритиш мақсадга мувофиқ. Жиноят қонунчилигига шу каби тузатишларнинг киритилиши, ўйлаймизки, жиноят оқибатларининг кафолатли бартараф этилишига хизмат қилган бўлар эди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Обеспечение безопасности дорожного движения в России. / Аналитический вестник Совета Федерации ФС РФ. 2006. №15 (303).
2. Аксель М. Методологические проблемы сравнительного права. // Очерки сравнительного права. – М., 1981. – С. 38.
3. Уголовное право зарубежных стран / Под ред. Н.Е.Крыловой, А.В.Серебренниковой. – М.: Зерцало, 1998. – С. 26–27.
4. Правовые системы стран мира. Энциклопедический справочник. / Под ред. А.Я.Сухарева. – М.: Норма, 2003. – С. 963.
5. Мелешко Н.П., Тарло Е.Г. Уголовно-правовые системы России и зарубежных стран. – М., 2003. – С. 24-25.
6. Теория государства и права. Курс лекций / Под ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. – М.: Юристъ, 2004. – С. 191.
7. Никифоров Б.М., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. – М., 1990. – С. 18–25.
8. Уголовное право зарубежных стран. – М.: Зерцало, 1998. – С. 45-46.
9. Уголовный кодекс ФРГ. – М., 2001. – С. 177–178.
10. Коробеев А.И. Транспортные преступления. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2003. – С. 34.
11. За рулем, 2003 г., 11.08.2003.
12. Уголовный кодекс Швейцарии / Пер. с нем. – М.: Зерцало, 2000. – С. 80–81.
13. Уголовный кодекс Испании / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и Ф.М.Решетникова. – М.: Зерцало, 1998. – С. 145.
14. Уголовный кодекс Дании. – СПб., 2001. – С. 156–157.
15. Уголовный кодекс Голландии. – СПб., 2001. – С. 300–313.
16. Уголовный кодекс Республики Польша / Пер. с польск. Барилевич Д.А. и др.; Адапт. пер. и науч. ред. Э.С.Саркисова, А.И.Лукашов; Под общ. ред. Н.Ф.Кузнецовой. – Мн.: Тесей, 1998.
17. Уголовный кодекс Республики Беларусь. // www.tamby.info
18. Международные правовые акты государств-участников СНГ в области борьбы с преступностью. Сб. документов. – М., 1999. – С. 90.
19. Уголовный кодекс Российской Федерации. – М., 2009.
20. Уголовный кодекс Грузии / Принят 22 июля 1999 года, введен в действие с 1 июня 2000 года. Тбилиси, 22 июля 1999 года, №2287-вс. <http://law.edu.ru/norm.asp?normID=1241370>
21. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики: перевод в азерб. Б.Э.Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001.
22. Уголовный кодекс Кыргызской Республики 2007 г. / www.for.kg/goid.php?id=22267.
23. Уголовный кодекс Республики Молдова / <http://crim.vl.ru/docs/book15.html>.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 1 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).